



ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 114 (10.167)

2004 ЙИЛ 16 ИЮНЬ

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тақлифига биноан 14 июнь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташири билан Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон ташки сийёсатида Хитой билан муносабатлар алоҳида ўрин тутди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, иқтисоди жадал ривожланган бу давлат билан ҳамкорлик қилиш иқтисодий ривожланишда, миллий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, глобаллашув жараёни чуқурлашган ва турли сийёсий ўзгаришлар даври бўлган ҳозирги шароитда халқаро сийёсат майдонидан муносиб ўрин эгаллашда катта аҳамият касб этади. Халқаро муаммоларни ечишда тобора фаол қатнашаётган, дунёда эътироф этилган «Хитой модели» туйғайли янги ички маҳсулоти бир неча йилдан буён 7-8 фоиз миқдорда барқарор ўсиб келаётган бу давлат дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган.

Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорлики юксак кадрларга эга. Зеро, ташқи дунё билан алоқаларни кенг қўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг юксак сийёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Халқларимиз қадимдан Буюк Ипак йўли орқали бир-бири билан алоқа қилиб, фани ва маданиятни бойитиб, тажриба алмашиб келган. Хитойликлар айрим қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, хусусан, узум ва беда етиштиришни Ўрта Осиё халқларидан ўрганган. Бу ерда эса Чин юртининг ипакчилиги ва эритиш техникаси ўзлаштирилган.

Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва раванқ топан тарихий алоқаларни тиклаш ва ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуктаи назаридан ҳам долзарбдир. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги бунинг учун қўлай замин яратди.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги сийёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият нафақат Ўзбекистон ва Хитой каби яқин қўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатларининг ҳамжиҳатликда ўси олиб боришни тақозо этмоқда. Глобаллашув жараёни ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ҳамда транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантириш, террорчилик, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва курул-яроғ контрабандасининг, оммавий қирғин қуроли тарқалишининг олдини олиш, сийёсий алоқаларни янада ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Мана шу масалаларнинг ўзидеки Ўзбекистон-Хитой муносабатларида ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳими, алоқаларини ривожлантиришда, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдордир.

Шу маънода, ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташири ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини олий даражада таҳлил этиб, истиқболларини белгилаб

олиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият яратди.

15 июнь куни «Дурмон» қароргоҳида ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао шохсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари фахрий қоровул сафи олди-дан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг яққам-яққа суҳбатда Ўзбекистон-Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз сийёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани, хавфсизлик масалалари борасидаги алоқалар фаоллашган мамнуният билан қайд этилди.

Дарҳақиқат, томонлар эътироф этганларидек, айни пайтда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўз тарихидаги энг юқори поғонага кўтарилган. Бунинг энг муҳим омил ҳамжиҳатликдир. Дунёдаги вазият қандай йўналишда ўзгармасин, Ўзбекистон ва Хитой яқин қўшничиликини, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантираверди. Зотан, мамлакатларимизнинг қатор халқаро муаммоларга муносабат ва ёндошувлари ўхшаш ёҳуд яқин.

Айниқса, террорчилик, айирмачилик, экстремизм ва наркотикизи каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат бирдек қатъий таянади. Томонларнинг Шанхай ҳамкорлик

ташкilotи доирасидаги ҳамкорлигида ҳам хавфсизликни таъминлаш масаласи устувор йўналишлардан-дир.

Ўзбекистон раҳбари кўп йиллардан буён жохон ҳамжамиятини бу иллатларга қарши курашда бирлашишга даъват этиб келмоқда. Хитой томони эса халқаро доирага террорчилик, экстремизм ва айирмачиликни англашувчи «уч ёвуз куч» атамасини киритди. Ўзбекистон Хитойнинг «хавфсизлик камари» тамойили — қўшни давлатлар билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш орқали хавфсизликни таъминлаш ва тараққиётни жадаллаштиришга асосланган ташқи сийёсатини қўллаб-қувватлайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик катта суръат билан ривожланмоқда. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида ўзаро савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134 фоиз ошиб, 220 миллион АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларига тенг қатор икки томонлама лойиҳалар амалга оширилмоқда. Музокара жараёнида турган жами лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 1 миллиард доллардан ошади.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао бу кўрсаткичлар барча имкониятлар ишга солиниганини англашувчи, мамлакатларимиз салоҳияти инобатга олинган бўлса, уларни янада ошириш учун барча зарур шароит мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ҳамкорликнинг амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси

Барча маъбарлардан олдинга сўйиги хабарлар

Мамлакатимизда

- Германиянинг «Фридендорф интернешнл» халқаро хайрия ташкilotи раҳбари Р.Гегендүфтнер бошчилигидаги бир гуруҳ немис шифокорлари Самарқанда келишди. Хорижлик мутахассислар болалар илмий-амалий марказида ҳам бўлиб 35 нафар бемор болани тиббий қўриқдан ўтказдилар. Уларнинг уч нафари Германия шифохоналарида даволанадиган бўлди.
- «Сувжихозгаз» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси Термиз ва Нукус шаҳарларида ўзининг замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги сервис марказларини очди.
- «Жиззах» марказий стадионида «Биз Ватанинг келажимиз» номли битирувчи ёшларнинг байрам шоу тадбири бўлиб ўтди.
- Самарқанд шаҳридаги «Олейн Ойл» корхонасига замонавий «Suhermil» ун тегири монии ўрнатилди. Бир кеча-кундузда 25 тоннагача олий ва биринчи навли ун тайёрлаш имкониятига эга ушбу замонавий тегири монии иш бошлаган, яна ўттизта киши ишли бўлди.

Жаҳонда

- Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида БМТ шафелигида халқаро савдо масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда БМТ Бош қотиби Кофи Аннан маъруза қилди.
- Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) Эрон ҳукуматини ташкilot билан тўла ҳамкорлик олиб бормасликда айблади. Шу муносабат билан Франция, Англия ва Германия БМТга Эрон ядро сийёсати борасида резолюция тақдим этди.
- Туркия полицияси Американинг Флорида штатида истикомат қилувчи аёлни Туркияга 25 килограмм кокаинни контрабанда йўли билан келтиришда гумон билан ҳибсга олди.
- Хиндистон Россия билан ҳамкорликда ишланган товушдан тез учувчи «Брахмос» ракетагини фазога муваффақиятли учирди.
- Шу йилнинг бошидан буён Вьетнамда 15 минг 923 кишининг Денге безгагига қалинганлиги қайд этилди. Уларнинг 10 нафари ҳаётдан кўз юмди.

ШҲТ ТОШКЕНТ САММЕНИНИ ЕРТИУВЧИ ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ушбу саммитнинг ёритиш бўйича матбуот маркази 17 июнь куни эрталаб соат 9.00 дан иш бошлайди.
Матбуот маркази «Интеркоминенталь-Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги Бизнес марказда жойлашган.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли

- **ИККИ** кундан буён «Шератон» меҳмонхонасида БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар фонди — ЮНИСЕФ томонидан «Ёшлар учун дўстона хизматлар: тараққиёт ва бошқарув стратегиялари» мавзусида семинар ўтказилмоқда. **ЭРТАГА** ушбу анжуман яқунланади.
- **БУГУН** «Ўзқўргазмасавдо» мажмуида мактаб мебель жиҳозлари, концентралар моллари кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма 15 кун давом этади.

- **«ЧОРСУ»** тил ўқитиш марказида Тошкент шаҳри мактабларидаги инглиз тили ўқитувчиларига малака ошириш курслари бўйича Ўрта Осиёга бегараз ёрдам корпорацияси вакиллари томонидан уюштирилган машғулотлар давом этмоқда.
- **БУГУН** «Тошкент кислород заводи» акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонунни» ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.
- **ОЛИЙ** ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига хитойлик ишбилармонлар томонидан таълим самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий компьютер технологиялари тўхфа этилди.
- **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «2003-2004 ўқув йилининг якунлари ҳамда 2004-2005 ўқув йилининг истиқболлари» мавзусида ўқитувчиларнинг талабалар билан очик мулоқоти уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармасида бўлиб ўтган йилгида ёнгин ҳолатлари кўпайишининг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кўпроқ олиб бориш лозимлиги яна бир қарар таъкидлаб ўтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК

Давоми. Боши 1-бетда.

Икки мамлакат тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё, коммуналарида соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Лекин замон билан ҳамқадам бўлиш учун аънаваный соҳалар билан чекланиб қолмаслик керак. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларининг ҳамкорлигини рағбатлантирувчи механизмларни, савдо-иқтисодий муносабатларни имкон қадар эркинлаштириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш лозим.

Президент Ислам Каримов заҳирадаги имкониятлар кўплигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Хитой билан нефть-газ ва минераллар конларини ўзлаштириш, вольтрам ва бошқа қимматли металлларни қазиб олиш, кимё саноати, электроника маҳсулотлари ва компьютер техникаси ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

Кўп томонлама ҳамкорлик борасида ҳам қилиниши мумкин ва лозим бўлган ишлар талайгина. Масалан, Афғонистон иқтисодиётининг тикланиши, у ерда барқарор тинчлик ўрнатилиши мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мисо келади. Демак, Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда фаол қатнашиш, жумладан, минтақада янги транспорт алоқаси тармоқларини барпо этиш мақсада мувофиқдир.

Ижтимоий алоқаларда ҳам ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарур. Томонлар Ўзбекистонда ўтган Хитой маданияти кунларига юқори баҳо берар экан, бундай тадбирларни кўпайтириш халқларимизни яқинлаштиришда муҳим омил бўлишини қайд этдилар. Зеро, халқ дипломатияси давлатлараро муносабатларнинг муҳим бўғини саналади.

Ўзбекистон ва Хитой илм-фан, маданият, таълим, сайёҳлик, спорт, соғиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантириб боришга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида талай ишлар қилинди. Лекин амалга

оширилиши зарур бўлган вазифалар бундан-да салмоқли. Президент Ислам Каримов ўзаро шериклик муносабатларини кенг кўламада ривожлантириш бўйича катта битим тузишни таклиф қилди. Томонлар уни тайёрлашга киришиш кераклигини таъкидладилар.

Музокаралар якунида Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланди. Иккинчи битимга мувофиқ, Хитой томони техникавий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастурлар учун 20 миллион юан ажратди. Ҳукуматлараро имзоланган бошқа икки битим 50 миллион юанлик фоизсиз ва 300 миллион юанлик имтиёзли кредит беришни кўзда тутди. Савдо-иқтисодий, сармовий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги меморандум эса мазкур соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун қулай имконият яратишга қаратилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда Конфуций номидаги институти ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакатнинг Адлия ва Маданият ишлари вазирликлари ҳамда нефть-газ компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари оммавий ахборот воситалари учун берган баёнотида музокаралар дўстлик, очиқлик, ишчанлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган барча масалалар бўйича ҳамкорлик мавжудлигини таъкидладилар. Ташриф натижалари ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Хитойни улкан салоҳиятга, беқиёс маданий мерос ва бой тарихга, юксак нуфузга

эга, олдида кўйган мақсадлар сари оғишмай барқарор ривожланиш йўлидан бораётган қўшни давлат деб билишини таъкидлади. Ху Цзиньтаонинг ташрифини ўзаро муносабатларимиз тарихидаги муҳим воқеа, деб баҳолади. Дарҳақиқат, бугун имзоланган 10 ҳужжат туфайли алоқаларимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлабгина қолмай, уларга янада салмоқли мазмун бахш этади. Истиқболдаги режада эса ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилган ҳужжат турибди.

ХХР раҳбари ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон-Хитой муносабатларини халқларимизнинг умумий мулки деб атади. Самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди. Ху Цзиньтао Ўзбекистон Президентига Хитойга ташриф буюришни таклиф этгани ва Ислам Каримов бунинг мамнуният билан қабул қилгани маълум қилинди.

«Дўрмон» қароргоҳидаги учрашувлар ниҳоясига етгач, Хитой раҳбари Ху Цзиньтао Ўзбекистон Бош вазирини Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ўзбек халқининг озодлик учун курашларда қурбон бўлган фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

ХХР Раиси Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб, Буюк Ипак Йўли тарихи ҳамда Ўзбекистон ва Хитойнинг тарихий алоқалари тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция билан танишди. Халқларимизнинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Давлатларимиз гуллаб-яшнаган кезларда ҳам, истило ва истибдод даврларида ҳам халқларимиз бир-бири билан алоқани сақлаб қолган ва ривожлантирган.

Хитой раҳбари музейнинг истиқлол йилларига бағишланган залларини кўздан кечирар экан, Ўзбекистон мустақиллик даврида эришган бетимсол ютуқлар билан танишди.

ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири.



ШХТ САММИТИ: ГЕРМАНИЯДАН НИГОҲ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлиси халқаро жамоатчилик эътиборини ўзига жалб қилмоқда. «Жаҳон» АА мухбири Германия жамоат арбобларига мурожаат қилди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитини Тошкентда ўтказилиши тасодиф эмас, чунки Ўзбекистон салмоқли сиёсий салоҳият ва обрўга эга, — дейди Германиялик публицист Александр Фитц. — Иккинчидан, республикангаз минтақага экстремистик оқимлар ва наркотиклар кириб келишининг олдини олишда ҳам жонбозлик қилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги минтақавий ҳамкорликнинг маркази ҳисобланади — осовишталликсиз эса қўшни давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентда ўтказилаётган саммити юқори даражадаги минтақавий ҳамкорлик ва ШХТга аъзо мамлакатларнинг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўз кучларини мувофиқлаштиришга бўлган интилишини намойиш этапти, — дейди Германиянинг иқтисодиётда рақобатга кўмаклашувчи уюшмаси раҳбари, «Германия-Ўзбекистон» жамияти вице-президенти, доктор Петер Шпари. — Саммит кун тартибига киритилган масалаларнинг хилма-хиллигига қараб, Тошкент ушбу учрашувга аъло даражада тайёргарлик кўрди, деб катъий ишонч билан айтиш мумкин.

Учрашувнинг муҳим масалалари орасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши туриш муаммолари муҳокамаси бор. Мен шу нарсага эътиборни қаратмоқчи эдимки, Ўзбекистон бу масалаларни ҳал қилишда нафақат катта тажрибага эга, балки бундай касаллик тарқаб кетишининг олдини олиш бўйича халқаро ташаббусларнинг амалга ошишига муносиб ҳисса қўшган. ШХТ доирасида минтақавий ақсилтеррор тизимининг барпо этилиши ҳам эътиборга молик воқеадир. Ўйлайманки, бу марказ фаолияти терроризм ва экстремизмга қарши ишончли тўсиққа айланади.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин.

ШХТ САММИТИ ҲАҚИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

16-17 июнь кунлари Тошкентда халқаро аҳамиятга мўллик воқеа — Шанхай ҳамкорлик ташкилотига /ШХТ/ аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтади. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази саммит арафасида пойтахт аҳолисининг олий даражадаги Тошкент учрашуви ва унинг вазифалари ҳақида хабардорлигини аниқлаш мақсадида экспресс-сўров ўтказди.

халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва нарқобизнесга қарши самарали курашга қаратилган кўп қиррали механизми деб ҳисоблаймиз.

Аввалги ижтимоий сўровлардан маълум бўлишича, айнан шунинг учун Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти (90 фоиздан ортиғи) Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига қўшилишини маъқуллайди. Уларнинг фикрича, бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий

умид билдирган. Сўров иштирокчилари қайд этганидек, ШХТга аъзо мамлакатлар қатор муаммоларни, жумладан халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши кураш, мамлакатимиз ва минтақа хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш борасида фикр алмашадилар (90 фоизга яқин тошкентликлар ана шу фикрда).

Умуман, фуқароларимиз саммитда муҳокама этиладиган вазифаларни ҳал қилиш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, минтақада интеграция жараёнларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатишига ишонч билдирди.

«Ижтимоий фикр»
маркази материаллари
бўйича ЎЗА мухбири
А. ИВАНОВА тайёрлади.

«Ижтимоий фикр» маркази жамоатчилик фикрининг доимий мониторингини амалга ошириб келмоқда. Унинг натижалари мамлакат аҳолиси томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш, дунёнинг етакчи давлатлари билан ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ташки сиёсий йўлининг сўзсиз қўллаб-қувватланишидан далолат беради. Шу нуқтага назардан ШХТ хавфсизлик, барқарорлик ва ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим институтларидан бири сифатида янада катта аҳамият касб этмоқда. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, Шанхай ташкилотини ҳамкорликнинг пухта ўйланган, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, минтақа ҳамда жаҳон хавфсизлигига таҳдид солаётган

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университетининг 14-талабалар ётоқхонасида «Ёш сиёсатшунослар клуби» ташаббуси билан «Хушёрлик — давр талаби» мавзuida илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Учрашувлар

ИЛМИЙ — АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ушбу анжумани ўтказишдан асосий мақсад Ўртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида сўзлаган «Ватанамизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз қуч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжihatлиги ва бузилмас иродасига боғлиқ» номли маърузасини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, талаба-ёшларни хушёрликка чақириб, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат эди.

Ийгилишда гуманитар таълим йўналишидаги барча факультет талабалари, маънавият-маърифат ишлари бўйича декан ўринбосарлари ҳамда «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» вакиллари иштирок этишди. Тадбирда асосан ижтимоий-сиёсий фанлар факультети сиёсатшунослик бўлими талабаларининг

маърузалари тингланиб муҳокама этилди.

Мақкур учрашувда асосий масала жамиятдаги соғлом ижтимоий-сиёсий муҳитни бузадиган, одамлар фикрини чалғитадиган нохуш ҳолатларга барҳам бериш, ёшлар қалбида она-Ватанимиз, бой тарихимизнинг, миллий қадриятларимиз, ота-болаларимиздан мерос муқаддас динимизнинг моҳиятини сохталаштиришга уриниш, халқимиз маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган интилиш, турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатларга қарши жамиятда соғлом муносабатни қарор топтириш, мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, ҳамжихат бўлиш юзасидан фикр алмашилди.

Бу борада айникса Абдужаб-

бор Сатторов, Нилуфар Ризаева, Дилноза Расуллова каби талабаларнинг мулоҳазалари жуда қизиқarli бўлди.

Учрашувда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар айнан инсон учун, яъни унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши, бунда сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, Оммавий ахборот воситалари, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг ўрни муҳим аҳамият касб этиши, қўрилаган чоратадбирлар, тағрибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди, шунингдек, ҳозирги мураккаб даврда жамиятимиздаги ёвуз қучларга қарши курашни, факатгина бир давлат чегарасида эмас, балки халқаро миқёсда кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Дилором ДЎСМУҲАМЕДОВА

“ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ҲЎҚУВЧИ”

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ўрта махсус касб-хунар бoшқармаси томонидан Ҳамза компьютер касб-хунар коллежида “Энг иқтидорли Ҳўқувчи” кўрик-танлови ўтказилди.

Ушбу кўрик—танлов Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Касб-хунар коллежида иқтидорли Ҳўқувчиларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида”ги Низоми ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг “Энг иқтидорли Ҳўқувчи” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги буйруғига биноан ўтказилди. Танловда алоқа мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрловчи пойтахтдаги 25 та коллеждан вакиллар иштирок этди. Айтиш кераки, жорий йилнинг март ва апрель ойларида коллежларда танловнинг биринчи босқичи ўтказилганди.

“Энг иқтидорли Ҳўқувчи” танлови фойдаларига эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди. Уларнинг ижодий ишлари шу йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган республика босқичига тақдим этилди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, “Туркистон-пресс”

Иқтисодиёт

ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

«Спарта-сервис» корхонасида тайёрланаётган полиакрилат ип-каваларлар сифати ва харидоргир турлари билан ички бозорда ўз ўрнини топмоқда.

Шу билан бирга жамоа ахли томонидан тадбиркорлик билан иш юритиш асосида тайёрланган ип-кавалардан 20 турдаги эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган устки кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Айникса, бозорни ўрганиш, харидорлар дид ва эҳтиёжга эътибор қаратиш асосида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларининг сифати доимо назоратда бўлиши муваффақиятларда, буюрт-муваффақиятнинг орттишида муҳим омили бўляпти.

— Ўтган йилдан бошлаб трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик, — дейди трикотаж ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Светлана Безакотова. — Бунинг учун цехларимизни Россиядан келтирилган тикув ва тўкув дастгоҳлари билан жиҳозладик. Бозорни ўрганиш асосида эса маҳсулотларимизнинг турларини орттиришда модельер-конструкторларимизнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Йил охиригача яна бир неча хил янги товарлар ишлаб чиқариб, ички бозордан муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қиляпмиз.

Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган 100 нафарга яқин ишчи-хизматчининг эътибори ёғи мавсумга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариб, харидорларга тортиқ этишга қаратилган.

ХОРИЖГА ЧИҚАРИЛАДИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Мидетекс» кўшма корхонасида тайёрланаётган тиббиёт бинтларига нафақат мамлакатимизда, балки ўшаник давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Жорий йилда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган 3 турдаги сертификатланган ана шундай рақобатбардод товарлар буюртма асосида Россия Федерациясига ҳам экспорт қилинади. Замонавий дастгоҳлардан фойдаланиб тайёрланаётган тиббиёт бинтлари маҳаллий хом ашё ҳисобидан ишлаб чиқарилиб, бу борада пойтахтимизда иш юритаётган «Кобул-Ўзбек Со» кўшма корхонасининг хом ашёлари қўлланилмоқда.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар асосан шартнома асосида дорихоналарда сотилмоқда, буюртма асосида шифохоналарга етказиб берилмоқда. Келгусида эса Жанубий Корея, Украина ҳамда Россия давлатлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиб, тиббиёт бинтларининг янги турларини ишлаб чиқаришга, хориждан келтириладиган ана шундай зарур товарлар ўрнини босадиган маҳсулот тайёрлашга эришиш кўзда тутилган.

Моҳина БЕКНАЗАРОВА

Замондошларимиз

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ

Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг моҳир етакчи қучлари, доно ва оқил мураббийлари, меҳрибон ва уддабурон тарбиячиларидир. Улар билан ҳаёт гўзал, умр эса файзли ва саодатлидир. Зеро аёл дунёнинг яратувчиси, ҳаётнинг яшнатувчиси ва яшартирувчиси.

Бугунги мўъжазгина мақолами қаҳрамони ҳам ана шундай тиниб-тинчимас, замонамизнинг илғор вакиласи Дамира Рустамбековадир.

Дамира опанинг асли касби ўқитувчи. Ўзбекистон Миллий университетининг роман-герман факультетини аъло баҳоларга битириб мақкур факультетда талабаларга дарс бера бошлади. Ўқитувчи деган шарафли ва мураккаб касбнинг залворли юқини 32 йил елкасида катта маҳорат, юксак савия, чуқур билим ва тафаккурга эга бўлган ҳолда кўтариб талабаларга инглиз тилидан сабоқ берди.

— Ҳаётим мазмуни, умримнинг оташ нафас паллалари талабалар қуришовида, уларга илм-одоб ўргатиш билан ўтганидан фахрланаман, — дейди биз билан суҳбатда Дамира опа. — Мен сабоқларимни маданият омиллари билан чамбарчас боғлаган ҳолда, олиб борардим. Айникса қиз болалар билан даредан сўнг ҳам муомала, кийиниш маданияти, ўзини туттиш, одобу ахлоқ мавзuida суҳбатлар ташкил этардим. Уларнинг фикрларини билишга ошиқардим. Йиллар ўтган сайин ўзимни шу талабалар олдида масъулдигимни, уларга ҳар томонлама ёрдамим керак эканлигини ҳис қилдим. Чунки, талабаларнинг аксарияти вилоятлардан келиб ўқишар, ота-онаси билан узокда яшашар, айна дамда уларга менга ўхшаган ўқитувчиларнинг маънавияти ва кўмаги жуда зарур эди. Ўз ишимдан ва босиб ўтган йўлимдан хурсандман.

Ҳа, дарҳақиқат бу аёл, эзгулик, гўзаллик, илму урфон уруғини сочишда астойдил, беминнат хизмат қилган. Дарс бериш баробарида ўз билим ва малакасини ошириш, дунёвий тасаввурга эга бўлиш учун жаҳоннинг 50 та мамлакатидан бўлган.

Хўш, Дамира опа бутунги кунда нима иш билан машғул ёки уни нафақат чиқиб маза қилиб дам олаётганлар деб ўйларсиз. Опа ҳамон изланишда. Жорий йилнинг март ойида Сайилгоҳ кўчасида хусусий савдо дўконини ништа туширди ва унга CARRERA деб ном қўйди. Биз опанинг нима учун савдо соҳасида иш бошлаганига қизиқдик.

— Мен, — дейди опа, — табиатан бола-

ларни яхши кўраман, шунинг учун ҳам ўқитувчи касбини танлаганман. Наники болаларнинг яхши ўқишини, балки маданиятли бўлишини, озода ва кўркам кийинишини ҳо-



болаларимиз, ёшларимиз, умуман ҳаммамнинг дид билан кийинишинигина эмас, балки либосида ўзини бемалол ва эркин ҳис этишини истайман. Инсонларнинг соғлиғи мен учун муҳим, биз келтираётган маҳсулотлар оддий бичими, сипо кўринишга эгаллиги ва замон талабига монандлиги билан ажрлиб туради.

Дарҳақиқат, дўконни айланар экансиз, турли хил рангдаги болалар футболкаси, эркаклар кўйлақлари, йигит ва қизларга мўлжалланган шимлар, юбкаларга кўзингиз тушади, улар жуда чиройли ва бежирим, нархи ҳам харидорни қониқтиралади, унчалик қиммат эмас.

Дамира опа яна бир савобли ишга бош қўшди. У ўзининг қўл остида ишлаётган сотувчиларга ҳафтада икки марта бир соатдан инглиз тилидан сабоқ берапти. Опанинг таъкидлашича, сотувчи харидорнинг энг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси бўлиши, кийим танлашда унга ёрдам бериши, асосийи эса, тил билиши шарт экан.

Яна шуниси қувончлики, чет элдан олиб келинган матолардан, дўконнинг ўзида харидорларнинг талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, кийим-кечаклар тикиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Бу борада дўкон ходимларидан Анвар Бердиев, Холида Муҳамедова, Файзирахмон Муминовлар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, ҳар бир ишнинг замирида эзгулик ётади. Зотан, инсон чиройли ва дид билан тикилган кийимлар билан янада кўркам ва салобатли кўринади. Умид қиламизки «CARRERA» савдо дўқони дилбар аёлларимиз, лобар қизларимиз, аёл қоматли эркаклар ва жажжи болажонларимизнинг бежирим кийиниши, ўзларини эркин ҳис қилишларига ўз ҳиссасини қўшади.

Чунки, бу ишнинг бошида ишнинг кўзини биладиган, одамларни севувчи — аёл турибди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «CARRERA» савдо дўқонида. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар



лаганман. Шунинг учун ҳам ушбу савдо дўқонини очдим. Бу ерда сотилаётган кийим-кечакларнинг барчаси соф пахта толали газламалардан тикилган. Улар кийинишга жуда қулай ва харидор талабига жавоб беради. Кийим-кечакларни шартнома асосида Италиянинг Верона шаҳридан олиб келаяпмиз.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲУГАНИЙ
ДОНО БУЛАВ...

- Кимки яхшилиқни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.
- Айтиди: Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.
- Айтиди: Агар дўст сендан насихатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда мужмаллик кўрсатса, айбларидан сени огоҳ қилмаса, бундай дўст алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.
- Мулоимлик қуввати билан ғазаб оловини сундирилган киши ҳақиқий мақтов ва олқишга лойиқдир.
- Ғазаб ўт олганда мулоимлик кўрсата олиш ва ғурурини синдира олиш ақлли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.
- Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростгўйлик.
- Ҳикмат бир дарахтки, у кишининг юрагида ўсади, меваси эса тил орқали тўкилади.
- Кимки узоқ яшашни хоҳласа, юрагини тинчлик ва мусибатларга қарши шай тутуши керак.
- Кимки бошқалар ҳаётидан ибрат олса, унинг ҳаётидан бошқалар ибрат олади.
- Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига мубтало бўлган кишининг юрагига панду насихат фойда бермайди.
- Байт:
Ғафлат йўлида юрвчилар
насихатни қандай қилсин,
Уйку бандаларни овоз
қачон бедор қила олар?
- Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Хар кимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлик билан яқинлик ҳамда жоду зулм боқий эмаслигини билади.
- Жонингни дунёга гарк одамдай тут, ғарибларни эса иззат қил.
- Кеманинг чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳали у тинч кетаётган пайтда ўйла!
- Одамлар интизмаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бузургмеҳрдан.
- Нокасларнинг мақтовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик, — деди у.
- У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.
- Яхшилиқ, илм ва тўғрилик билан! — деб жавоб берди у.
- Надомат чекувчи ким?
- Шоҳқалок ва ўзбилармон!
- Зое ўтган умр нима? — деб сўрадилар.
- Бировга яхшилиқ қила олиш мумкин бўлиб қилмаган умр! — деди у.
- Доноликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.
- Тўғри фикр! — деди у.
- Шижоат нима? — деб сўрадилар.
- Узр сўрай олиш! — деди у.
- Қайси хунар энг яхши? — деб сўрадилар.
- Илм хунари! — деди у.
- Ким билан дўст бўлиш керак?
- Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!
- Ақлли кишилар кимдан эҳтиёт бўлишлари керак? — деб сўрадилар.
- Олий лаганбардордан ва хасис бойдан!

2004 — Меҳр ва мурувват йили

«БОЛАЛАР МАСКАНИ»ГА
МАРҲАМАТ

Йилимизнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб номлангани боис бутун республикамизда хайрли ва эзгу ниятларга йўлдош бўлган табдиллар, меҳр-оқибатга йўғрилган учрашувлар, дара суҳбатлари, дунёдаги энг олий зот ҳисобланмиш инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга чорловчи хайрига-шоу марафонлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан шахримиз маҳаллаларида бу йўлда амалга оширилаётган юмушлар ибратга моликдир.

Яқинда Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида эрталабдан қарнай-сурнай наволари янгради. Чилонзор туман ҳокимлиги, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ва «Дўмбиробод» маҳалласи ҳамкорлигида бунёд этилган «Дўмбиробод» номидаги болалар маскани — сўлим ва ораста боғнинг очилиш маросимига барча чор атрофдагилар чорланди. Айни кунда фарзандларимизнинг ёзги таътилга чиқиб, мароқли дам олишларига муносиб хисса бўлиб қўшилган ушбу боғда энди маҳалла ҳудудида истикомат қиладиган 8000 нафардан зиёд болажонлар яйраб дам оладилар, турли спорт мусобақаларида иштирок этиб, соғлиқларини тиклайдилар.

— Хурматли «Дўмбиробод» маҳалласининг табаррук отахон ва онахонлари, азиз болажонлар, — деди жумладан табдирни очар экан туман ҳокими Хусниддин Маҳкамов. — Кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан жуда қисқа фурсат ичида мана шундай чиройли боғ ташкил этилди. Униб-ўсиб вояга етаётган фарзандларимизнинг яхши дам олишлари, таълим-тарбияли, қомил инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида туманимиздаги 45 та маҳалланинг ҳар бирида мана шундай сўлим масканларни барпо этишни режаланганимиз. — Азиз маҳалладошлар, — деди жумладан табдирда сўз олган Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, — маҳалладаги ҳар бир кўнгилнай воқеа менинг ҳам қувончимдир. Қарангки, халқимизда «Оққан дарё оқаверади» деб бежизга айтилмаган экан. Бундан 40-45 йил илгари ҳудди шу ерда болаларнинг шўх-шодон кулгулари янграб турар эди. Мана орадан шунча вақт ўтиб яна ушбу масканда беғубор болалик шодлиқларининг гувоҳимиз. Дунёда бола кулгусидан ортиқ қувонч бўлмаса керак. Боғимизнинг янада гуллаб-яшнаши, кўкаламзор, тоза, озода масканга айланishiга барчамиз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Боғни аста айланамиз. Чилонзор туманининг барча маҳаллаларидан келган катта-кичик, ёшу қари ҳавас ва хузур билан фарзандларини етаклаб, аттракционларда учиб, волейбол, футбол, стол теннис каби қатор спорт ўйинларида иштирок

этиб юришибди. — Маҳаллада болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида боғ ташкил қилиш режаси билан бизга мурожаат этишганда ушбу таклифга бажонидил қўшилди ва имкон қадар қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик, — дейди биз билан суҳбатда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият

ходими Баҳодир Султонов. — Боғимиздаги «Кўнгиракча», «Ёш денгизчи», «Кичик мерган» каби қатор аттракционларни «Дўмбиробод» болалар маскани ҳудудида олиб келиб ўрнатдик. Болалар спорт майдончаларини эса турли спорт мусобақаларини ўтказиш учун тайёрлаб қўйдик. Иккита футбол жамоаси аъзоларини спорт анжумлари ва кийимлари билан таъминладик. Ишонаманки, боғимиз болажонлар билан гавжум



бўлади, шарт-шароитлардан эса ҳамisha хабардор бўламиз. Умуман айтганда, ушбу боғнинг барпо этилишига хисса қўшган туман ҳокимлиги, туман ободонлаштириш, электр тармоқлари каби қатор корхона ва ташкилотлар келгусида ҳам хайрли ишларини амалга ошириб боғ билан ҳамкорликни унутмайдилар.

Биз ўзаро қизгин суҳбатлашаётган бир гуруҳ ёшлар ёнига яқинлашдик ҳам хайрли ишларини амалга ошириб, дил сўзларини қоғозга туширдик. — Мен Барно Мусаеваман, 138-мактабнинг 8-синфини тамомладим. Маҳалламизда шундай дам олиш масканининг очилганидан жуда ҳам хурсандман. Лекин тенгдошларимга, болажонларга айтмоқчиманки, боғимизни ўз уйимиздек асрайлик, кўм-кўк майсалар, дарахтларнинг авж олиши, тозаланиш сақлашга ҳаракат қилайлик. — 138-мактабда ўқитувчиман, — деб ўзини таништирди Муаттар Ҳамроева. — Боғга кириб келган ҳар бир бола, хоҳ у катта ёки кичик бўлсин, бу менинг маҳаллам, бу менинг боғим деб уни авайлаб асраса, ишонаманки кўп ўтмай ушбу маскан янада чирой очиб, янада кетади.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Дўмбиробод» маҳалласидаги болалар масканининг очилиш табдиридан лавҳалар, Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Ўзбекистон ва жаҳон

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР
РИВОЖЛАНМОҚДА

Ҳиндистон деганда барчамизнинг кўз олдимизга аввало турли хил мўъжизаларга бой бўлган мамлакат келади. Унинг асрлар оша ривожланиб, тараққий этиб келаётган кўҳна маданиятини тасаввур қиламиз. Зеро, минг йиллар давомида ўз қадриятларини авайлаб келаётган халқ ҳозирда жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлари билан ҳам жуда фахрланади.

Қадимдан ҳинд халқи билимга, янгиликларга жуда ўч бўлган. Бунга қадимги асарлар, яъни «Веда»ларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Унда ўша асрларнинг маданияти, турли қонун-қоидалар насихат тарзида ёзиб қолдирилган. Орадан кўп асрлар ўтганига қарамай ҳинд халқи уларни ардоқлаб, ҳамон ўз ибодатларида қуйламоқда.

Хозирги кунда ҳам Ҳиндистонда таълимга бўлган қизиқиш ортаси ортанки асло камаймаган. Зеро, таълимнинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини улар алақадоран тушуниб етганлар. Ҳозирда Ҳиндистон таълим тизимига анчагина янгиликлар киритилган. Улардан бири, хоржий мамлакатлардан келган мутахассисларнинг дарс олиб боришлариридир. Бунинг нақадар муҳим ва долзарблиги эса барчамизга маълум. Уларнинг шу кунгача эришган барча ютуқлари мана шу таълим тизимининг натижасидир. Ҳозирда Ҳиндистон ўзининг компьютер мутахассислари билан нафақат шу мамлакатнинг ўзида, балки жаҳон миқёсида ҳам жуда машҳурдир.

Юртимиз мустақилликка эришгач ўзбекистонлик ёшларнинг ҳам Ҳиндистонда таълим олишлари йўлга қўйилди. Мингдан ортиқ ёшларимиз Ҳиндистонда таҳсил олиб қайтидилар. Бинобарин, жаҳоннинг йирик мамлакатлари талабаларининг айнан Ҳиндистонга келиб таҳсил олишлари бежиз эмас. Ҳиндистон ҳукуматининг ўзбекистонлик талабаларининг таҳсил олишлари учун яратган имкониятлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Энди Ўзбекистон ёшлари ҳам бошқа талабаларга ўхшаб Ҳиндистонда ўз билимларини бемалол оширишлари, диққатга сазовор жойларни ҳам томоша қилишлари мумкин. Ҳиндистоннинг 300 дан ортиқ ўқув муассасалари хоржий талабаларни ўз бағрига чорлаб, уларга дунёвий билимларнинг энг чуқур негизларини очиб беришга доимо шай. Ўзбекистон учун яратилган яна биро имконият, бу ҳар бир талаба учун 3 йиллик, 40 кунлик (компьютер курслари), 10 ойлик ҳинд тилини ўрганиш курслари ташкил этилганлиги.

Мен Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 3-курсда таҳсил олмоқдаман. Ҳиндистонда ўқётган давримизда, биз ҳиндистонликларнинг нақадар меҳмондўст ва меҳрибонликларини кўриб тўғриси, ҳайратда қолдик. Улар бизни ўз уйларига меҳмонга таклиф қилишар, иложи борича кўпроқ гаплашишга интилишар эди.

Биз таҳсил олган институт Деҳлида жойлашганлиги тўғриси биз кўпичина Ҳиндистондаги Ўзбекистон элчихонасига ҳам бориб турардик. У ерда Ўзбекистондан келтирилган газета ва журналларни ўқиб, юртимиздаги янгиликлардан бохабар бўлиб туришга интилардик. Биз Ҳиндистоннинг Жайпур, Ражастхан ва Агра шаҳарларида ҳам бўлиб у ердаги ёдгорликларни томоша қилдик. Айниқса Аградаги дунёга машҳур бўлган, дунёнинг етти мўъжизаси ҳисобланган Тож Маҳални кўриш бахтига муассар бўлдик.

Курс якунлангач, биз бир олам қувонч ва соғиниш туйғуси билан юртимизга қайтдик. Қайтишимиздан олдин барча талабаларга курсларни яхши якунлаганликлари билан табриклаб, битирув дипломинни топширдилар. Яна шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ҳиндистондаги ўзбекистонлик талабаларнинг сони бошқа юртлардан келган талабаларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Шундан ҳам биз ҳиндистонликларнинг Ўзбекистон ёшларига бўлган қизиқишларининг нақадар катталигини кўришимиз мумкин.

Фахриддин СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтини Шарқ филологияси ва хоржий мамлакатлар тарихи факультетининг 3-курс талабаси

Бу — қизик

ҚОРА ИЧИМ-ЛИК ТАРИХИ

Бир стакан кофени ҳўллаб ўтириб хаёл сурасан киши: «Қачондан буён инсоният кофе ичадиган бўлган, бу ичимлик қаердан келиб чиққан, унинг инсонга фойдаси қандай, нега кофе деб аталади ва ҳоказо...?». Бу саволларга жавоб турли китобларда бор, шуларни жамлаб, «қора ичимлик» тарихидан андак воқиғи бўлаемиз.

Кофенинг аjoyиб хўшбўйлиги ҳар кимни ўзига жалб қилади, у чой сингари чанқоқни босади, овқатни ҳазм қилади, қорин тўдиради, бош оғриғини қолдиради, кишини тетик ва бақувват қилади.

Кофенинг жаҳонга тарқалишига унинг уйқу келтирмаслик хусусияти сабаб бўлган. Чунки кечқурунлари, ёзувчилар ва олимлар, посбонлар учун кофе жуда қўл келади. Негаки, дастлаб шу қишлоқнинг Галла номи аҳолиси афрох чангалзорларда бир қил ёввойи ўсимлиқнинг қаттиқ меvasини қрувурин, тўйиб, қайнатиб ичишган. Лекин бу одат қачон бошланганини ҳеч ким билмайди. Феодализм даврига келиб, кофени маданий экин сифатида экишни араблар одат қилишган. Ҳали ҳам араб мамлакатларида ўстириладиган кофе энг сифатли ҳисобланиб, европалликлар бунга кофе-макао деб аташади. Чунки дастлаб кофе қонланган қоллар Европага Арабистоннинг Мақша шаҳридан жўнатилган эди.

Кўп ўтмай олимлар кофенинг фойдали эканини исбот этишган, ўша рўҳийлар кофедан лаззатланишиб юришган.

XVII асрнинг ҳақимлари «кофе ақлий қувват ато қилади» деган фикрни олға сурадилар. Физиолог Малишотт бундай ёзади: «Кофе хотирани яхшилади, бирор нарса-ни диққат билан кўриш ёки тинчланишни куайтиради, ижодкорни илҳомлантиради... Умрининг ярмини ўтказадиган уйқуну хайдайдир».

Лекин шуниси ёмон бўлганки, кофеҳўрлар жуда кўпайиб кетиб Европа ва Америкада бу ичимликка талаб гоят ошади. Натижада тупроғида кофе ўсадиган мамлакатлар колония қилиб олинди, аҳолиси оғир эксплуатацияга остида жуда азоб чекади. Ява, Шри Ланка, Кения, Янганка, Бразилия, Мексика каби мамлакатларда йилга икки мартадан олинган кофе ҳосили билан ҳам жаҳон талабини қондириб бўлмаган, савдогарлар имитацияни ўйлаб чиқардилар. Имитация дегани ўхшашма ўрнига ўтадиган бошқа маҳсулот деганидир. Чункино муҳитга талаб куайи-ганда, капиталистлар асфальтни имитация қилиб сотишган. Америкада бир вақтлар тухум етишмаганда тошбақа, тимсоҳ ва ёввойи қушлар тухумидан порошок қилиб сотишган; Шунингдек, кофенинг имитация сифатида цикорий ўсимлигининг меvasи, дуб ёнғоғининг мағзи, ер ёнғоғ ва қора булканинг қаттигини тўйиб, элаки қилиб сотилган. Бундай сохта кофе омборлари Гамбургда жуда кўп бўлиб, XIX асрга келиб, улар мусодара қилиниб, эгалари фош этилгангунча одамларни лақиллатиб, пулни ҳам-ёнга уравверилган.

Кофегга талаб шунчалик ортиб кетишига сабаб нима? Бу неъмат таркибида бош оғриғини қолдирадиган дори—кофеин бор; Кофеин дастлаб кофедан, сўнг чойдан олинган. Аммо, бу модда бошқа бирор ўсимлик таркибида мавжудлигини ҳанузгача аниқлангани йўқ.

Сўнги йилларда Ўзбекистон театрлари ҳаётида қувончли воқеалар рўй бермоқда. Ёш авлодни маънавийли инсонлар сифатида тарбиялаш масаласи бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Айниқса театр санъати қудратли тарбия воситаси ҳисобланиб, театр жамоалари зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Ана шу вазифаларни амалга ошириш борасида Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси театр жамоалари билан ҳамкорликда янги лойиҳалар устида иш бошлади. Бу эса ўзининг илк натижаларини бермоқда. Бунга мисол қилиб театрларга ёш режиссёрларнинг кириб келиши, драматургияда шу пайтгача номлари тилга олинмаган, лекин бузунги кун муаммолари билан қизиқайтган ижодкорларнинг фаолият бошлагани, саҳналаштирилган спектаклларда иқтидорли ёш актёрларнинг кўзга қўринаётганини айтиб ўтиш мумкин.

«37+1» I-Республика кўрик-фестивали театр жамоаларига ана шу ютуқларни кўрсатиб бериш борасида катта имкониятлар яратди. Фестиваль давомида шу нарса маълум бўлдики, ҳамма соҳаларда бўлгани каби театр соҳасида ҳам янгиликлар юз бермоқда. Фестиваль нийоҳиса Ўзбек Миллий академик драма театрида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда театршунос олимлар, санъатшунослар, театр жамоалари, драматурглар иштирок этдилар. Анжуманда Тошкент Санъат институти профессори Муҳаббат Тўлаҳўжаева, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш

бирлашмаси директори, Театр арбоблари уюшмаси раиси Омонулла Ризаев ва бошқа санъатшунос ва театршунослар сўзга чиқиб, бугунги кун драматургияси, режиссура санъати, актёрлар маҳорати тўғрисида ўз фикр-муло-

ҳилар турли йўналишлар бўйича мукофотланди. Тошкент шаҳри бўйича мукофотланган театр жамоалари орасида «Меҳр-муруват гоёсининг энг яхши бадий ифодаси учун» ва «Энг яхши режиссёрлик дебюти», «Энг яхши мусиқали драма учун» номинацияси бўйича — Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театрининг «Осмоннинг бағри кенг» (муаллиф С.Сирожиiddинов, режиссёр Б.Холмирозев, баcтакор О.Абдуллаева) спектакли ҳамда «Ёшлар маззусининг бадий талқини учун» йўналишида — Аброр Ҳидоятго номидаги ўзбек Давлат драма театрининг «Қайтар дунё» (муаллиф С.Азларов, режиссёр Х.Файзиев) спектакли, «Гивандликка қарши кураш гоёсининг энг яхши хореографик ифодаси учун» номинацияси бўйича Ўзбеки-

стон Ёшлари театрининг «Қабоҳат тузоғи — XXI» (муаллиф Ж.Юсупов, режиссёр Н.Абдурахмонов), пластик шоу-спектакли голий сифатида тақдирланди.

Фестивалдан кутилган натижаларга маълум маънода эришилгани далиллардан кўриниб турибди. Спектаклларнинг деярли барчаси замонавий мавзуларда бўлиб, асосан ёшлар муаммоларини ўзида акс эттирган. Бундан шундай ҳулосага келиш мумкинки, театрларимиз айна кунларда томошабинларга маънавий озик бериш билан бирга ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўйлаيمизки, келгусида бундай кўрик-фестиваллар яна давом этади.

Дилором ИКРОМОВА

Грестиваннар

ТЕАТР СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАРНИ КЎРСАТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, «Артамада» махсус жамғармаси томонидан шу йилнинг март, май ва июнь ойларида «37+1» «Ўзбектеатр» бирлашмаси лойиҳалари асосида замонавий мавзуларда саҳналаштирилган спектаклларнинг I-Республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

ҳазаларини билдирдилар. Қизгин баҳс-мунозаралар остида ўтган анжуманда ўзбек театрларининг бугунги кундаги ютуқлари қаторида муаммолар ҳам сарҳисоб қилинди.

— Фестивалда намойиш этилган барча спектакллар замонавий мавзуда бўлиб, театр жамоалари уларни турлича талқин этганлар, — дейди фестивалнинг ҳайрат раиси, санъатшунос Сарвиноз Қодирова. — Биз албатта драматургия, режиссура, ижро маҳорати, саҳна ва мусиқий безакларга эътиборни қаратдик. Спектаклларни саҳналаштиришда етуқ режиссёрлар билан бир қаторда ёшларнинг иштирок этганлари қувонарли, албатта.

Анжуман сўнгида фестивалда иштирок этган ижодий жамоалар ва ижро-

ҲАЁТ ТУҲФАСИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Қизил Ярим Ой ва Қизил Ҳоч ташкилотлари, халқаро донорлар жамиятининг тавсиясига кўра кеча бутун дунёда донорлар кўни кенг нишонланди. Бу кун «Қон — ҳаёт туҳфаси» шiori остида ўтди. Донорлар кўнини алоҳида нишонлаш бежиз эмас албатта. Бу билан кишиларнинг донорларга бўлган миннатдорчилиги, уларга нисбатан халқ эътибори, ҳурмати ифода этилади.

Маълумки, бегона организмдан биронта ҳужайрани ҳам киши танаси шунчаки қабул қилмайди, балки, уни ўзидан итариб чиқариб ташлашга ҳаракат қилади. Шу сабабдан, қўйилаётган қон киши организмга тўғри келиши, унинг антигёдлиқ хусусиятларига қараб танланади. Қоннинг бегона тўқима эканлигини, унда баъзи бир юқумли касалликлар ўтиши мумкинлигини ва қон тайёрлаш ҳамда танлаш мураккаб жараён эканини ҳисобга олсак, қон қўйиш фақат ҳаётий зарурият натижасидагина амалга оширилиши лозимлиги аён бўлади. Қачон ва кимга қон қўйиш лозимлигини фақат шифоқор белгилайди.

Донорлардан олинган қон қон маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги кунда бутун дунёда энг долзарб масала ҳисобланади. Бу ишларнинг энг асосийи, донорларни танлашдан бошланади. Донорлар икки тоифага бўлинади: биринчиси доимий донорлар бўлиб, улар бир йилда тўрт мартагача қон топириб туришади. Бу гуруҳ кишилари қон қўйиш станцияларида рўйхатда туришади ва ҳар олти ойда бир марта тиббий кўриқдан ўтишади. Агар беморнинг қон таҳлилларида ёки

умумий аҳолида биронта ўзгариш бўлса бу киши довланишга юборилади ёки донорликдан чиқариб ташланади. Доимий донорлар топириган қон учун маълум миқдорда пул олиб туришади. Иккинчи гуруҳ донорлари бадалсиз донорлар бўлиб, улар асосан беморларнинг қариндош-уруғлари ва бошқа ўз хоҳиши билан қон топирувчилар бўлиши мумкин. Бу кишилар қачонлардир юқумли касалликлар билан касалланган бўлсалар, донорликка қабул қилинмайди.

Бугунги кунда шаҳримизда биринчи чорак бўйича 3092 та, май ойида эса 799 та донорлар рўйхатга олинган. Кўп йиллардан буён донорлик қилиб келаётган В.Шпакин, Ю.Тимакин, П.Ситников, В.Церков, С.Слипкин, А.Попова, В.Кама-ришқаяларнинг исми-шарифларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Таъкидлаш керакки, ҳозирда бу йўналишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, республикамиздаги илмий-услубий марказ ҳисобланмиш Гематология ва қон қўйиш илмий текшириш институти томонидан босқичма-босқич зарурни ишлар амалга оширилмоқда.

Дилора МИРБОБОВА, Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали директори.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тadbirkorлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари! Биз нақдорни, иқтисдорни, райратга тўла ёлларимиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагинизга етишимиз. Раёрат ва тажрибаи бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» и тadbirkorларга «Ишлаб топ» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун маъсумий иш ўринларини тақдим этишини тақлим қилади. Қўшимча маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишиниз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидан ахборотга эга бўлишиниз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тadbirkorларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

• кенг ассортимент • вазон нархлар •

КАНЦТОВАРЛАР ҚОҒОЗ ВА БЛАНКАЛАР

биринчи қўлдани!

OFFICE X TRADING

199-42-22, 199-43-33

www.officetrading.com

• янги маҳсулотлар •

• ҳақ тўлаш - турлича •

Офисингиз учун янги нарсалар

Маълумот сертификатланган

• Улгурчи миқозларга Тошкент шаҳри бўйича БИНА ОТЎЗИБ БЕРИШ •

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманидаги 254-урта мактаб томонидан 1995 йилда Собиров Кахрамон Рустамович номига берилган 11-синфини битирганлик тўғрисидаги АО № 223435 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Спорт

ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси мажлислар залида шу йилнинг август ойида Грецияда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Олимпиадада иштирок этувчи спортчилар, уларнинг мураббийлари, спорт фахрийлари ва журналистлар иштирок этган тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 июнда чиққан юртимиз спортчиларининг Грецияда ўтказилган XXVIII ёзги олимпиада ўйинларидаги муносиб иштирокларини таъминлашга бағишланган қарори спортчиларимизнинг юксак курашлар сари интилишлари, медалларни қўлга киритишларида муҳим омил бўлиши таъкидланди. Олимпиадага тайёргарликни янада кучайтириш, мусобақаларни матбуотда тезкорлик билан, батафсил ёритиш лозимлиги хусусида сўз борди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Уч кун давомида Малайзияда енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Ўттиз олтита давлат вакиллари қатнашган чемпионатда мамлакатимиз енгил атлетикачилари ҳам юқори натижаларни кўрсатдилар. Хусусан, еттикураш бўйича Юлия Тарасова ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан ўрин олди. Баландликка сакраш баҳсида Светлана Радзевил иккинчи натижани кўрсатди. Шунингдек, Ирина Зудихина 800 метрга югуриш, Василина Козярова ядро улоқтириш, Артём Лобачёв енгил атлетиканинг уч хатлаб сакраш йўналишлари бўйича қумуш нишонларни қўлга киритдилар. Яна бир спортчимиз Диана Плумакинага учинчи ўрин насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Дастлаб майдонга Италия ва Дания жамоалари тушди. Кўпчилик мутахассислар Италия термаси ғалабасини башорат қилишганди. Бироқ данияликлар ҳужумкор ўйин кўрсатиб, рақиблари дарвозаси олдида бир неча бор хавфли вазиятларни вужудга келтирдилар. Италия терма жамоаси эса Франческо Тоттининг жуда кучли зарбасидан сўнг ғалабага жуда яқин эди. Фақат дарвозабон маҳоратигина данияликларни голдан қутқариб қолди. Шу тариқа ушбу учрашув 0:0 ҳисобда яқунланди.

Швеция ва Болгария жамоалар ўйини ҳам қизиқарли кечиши кутилаётганди. Қизиқарли томони шундаки, кейинги йилларда Швеция болгарияликлар учун жуда ноқулай рақиб ҳисобланмоқда. Жумладан, 1994 йилги жаҳон чемпионатида 3 ўрин учун кечган учрашувда шведларнинг 4:0 ҳисобидаги ғалаба қозонганлигини мисол келтириш kifоя.

Бу гал ҳам шведияликлар майдонда жуда шиддатли ва ҳужумкор тарзда тўп суришди. Шундай бўлса-да, биринчи бўлим Фредрик Юнгбергнинг аниқ зарбасидан сўнг 1:0 кичик ҳисобида шведлар фойдасига тугади.

Иккинчи бўлимда ишқибозлар бири-бирдан чиройли киритилган голлардан беҳад завқ олишди. Жумладан, 57-дақиқада шведларнинг тажрибали ўйинчи-

си 33 ёшли Хенрик Ларссон боши билан кучли зарба берган ҳолда ҳисобни оширишга муваффақ бўлди. Орадан бир дақиқа ўтгач унинг ўзи рақиблар дарвозасини яна бир бор забт этди.

ҳозирда ҳам таркибида кўплаб футбол юлдузлари тўп суради. Латвиянинг эса мустақилликка эришганига кўп вақт ўтмаган, бинобарин, ушбу мамлакат футбол жаҳон майдонида эндигина кириб келмоқда.

Кутилганидек, ушбу баҳс чехларнинг кетма-кет ҳужумлари билан бошланди. Ўнг қанотда Карел Поборски, чап қанотда эса Павел Недвед, марказда Милан Барошлар рақиб дарвозасига тез-тез хавф солиб туришди. Бироқ қарши ҳужумларнинг бирида 45-дақиқада чап қанотдан Андрей Прохоренко узатган тўпни Марис Верпаковскис дарвозага аниқ йўллаган ҳолда ҳисобни очди.

Иккинчи бўлим ҳам чехларнинг тўла устунлигида ўтди. Кўплаб ҳужумларнинг биттаси самарали яқунлиб, 73-дақиқалар Карел Поборски ёрдамида Милан Барош ҳисобни тенглаштирди. 85-дақиқада эса заҳирадан майдонга тушган чехлар ҳужумчиси Марек Хайнц ажойиб зарба билан ғалаба тўпини киритди.

Шундай қилиб, гуруҳларда биринчи тур учрашувлари ниҳоясига етди. Тўпуларлар баҳсида эса дарвозаларни икки мартадан забт этган Зинеддин Зидан ва Хенрик Ларссонлар қарвонбошлик қилишмоқда.

Бугун «А» гуруҳидан ўрин олган Греция-Испания ва Россия-Португалия жамоалари ўзаро куч синашишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Европа чемпионати

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ўтган икки кун давомида «С» ва «D» гуруҳидаги жамоалар ўзларининг дастлабки ўйинларини ўтказишди.

78-дақиқада Златан Ибрагимович пенальтини аниқ бажариб ҳисобни 4:0 га етказди. Афтдан ўйин шу ҳисоб билан тугайдиганга ўхшарди. Бироқ 90-дақиқада Мариус Олбак беллашувга сўнгги нуқтани қўйди — 5:0. Жаҳон ва Европа чемпионати каби нуфузли турнирларда заиф жамоалар бўлмаслигини ҳисобга олганда, Швециянинг йирик ҳисобдаги ғалабаси, Греция-Португалия ўйинидан кейин иккинчи шов-шувли воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Кеча «D» гуруҳидаги жамоалар учрашуви билан гуруҳдаги илк беллашувлар ўз поёнига етди. Дастлабки ўйинда Чехия ва Латвия терма жамоалари майдонга тушди. Албатта ушбу жамоалар кучи тенг эмасди. Европа чемпиони ва жаҳон чемпионатларининг икки карра қумуш совриндори Чехия термаси азалий анъаналарга эга бўлиб,

Футбол

ПЕШҚАДАМНИНГ ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБАСИ

ЎТГАН КУНИ «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган мухлислар мамлакат XIII миллий чемпионатининг қолдирилган 8-тур учрашуви гувоҳи бўлишди.

Унда пойтахтимизнинг беш жамоаси «Пахтакор» Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини қабул қилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, мутахассислару мухлислар ушбу учрашувни интиқлик билан кутишганди. Чунки ҳар сафар икки номдор жамоа баҳси қизиқарли, кескин курашларга бой ҳамда шиддатли кечарди.

Бироқ бу сафар мухлислар кутган ўйин рўй бермади. Сабаби, майдон эгалари рақибларидан маҳорат бобида ҳар томонлама устун эканликларини намоён қилишди. Майдонда тўпни бир-бирига аниқ узатиш, тўпни ўзида узоқ ушлаб туриш, майдон марказида эркин ҳаракат қилиш ҳамда дарвозага ҳужумлар уюштириш борасида «Нефтчи»дан кучлилик қилган пахтакорчилар ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Рақиб дарвозаси томон уюштирилган хавфли ҳужумлар самара бериб учрашув 6:1 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан яқунланди. Мухлисларга қувончли дақиқаларни ҳадя этган голларни «Пахтакор» дан Магдиев (2 та), Гочулиев (пенальти), Пономарёв, Копадзе, Вахобов, «Нефтчи»дан Отақузиёвлар йўллашди.

Ушбу муҳим ғалабадан сўнг «Пахтакор» 11 учрашувдан сўнг 31 очко жамғарган ҳамда биринчи ўриндаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Навбатдаги 12-тур беллашувлари 19 июнда бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Шахмат оламида

ҚАТРАЛАР

Ўйин пайтида томошабинлардан бири мастердан сўрабди:

— Бир руҳингиз кам-а? Уни қурбон берганмисиз ёки кўрмай бериб қўйганмисиз?

— Ҳозирча ҳеч нима дея олмайман, — дебди шахмат устаси. — Агар ютиб чиқсам қурбон қилган бўламан, ютқазсам — кўрмай қолган бўламан.

— Кеча турнирда қандай ўйнадинг?

— Ютқаздим.

— Бугун қандай ўйнамоқчисан?

— Кечагидан ҳам яхшироқ.

Бир мураббий ўз жамоаси футболчиларига:

— Футбол сенларга шахматмиди! Бу ерда ўйлаш керак! — дебди.



— Уртоқ Паришонхотиров, XVII аср шахматчиларидан кимларни биласиз?

— Ҳеч бирини билмайман, улар аллақачон ўлиб кетишган.

Анвар ИНОКОВ, шахмат шарҳловчиси

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

- 1) Оқлар бошлаб дурангга эришади
- 2) Оқлар бошлаб ғалабага эришади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4127 нусхада босилади. Қогоғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида тўқилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа ширкатидаги компьютер бўлимида босилади. Корхона манзили: «Буёқ Тўра» кўчаси, 41-уй.